

“Тасдиқлайман”
ЖИЗЗАХ ХЭТК АЖ
Б.Х. ИБРАГИМОВ

2022 йил



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

ЖИЗЗАХ ии – 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштироқчиси учун йўриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2661, ПҚ2639, ПҚ-5048, ПҚ-5101, ПҚ-172, ПҚ-72, ПҚ-6186, ПҚ-5088 ва Вазирлар Маҳкамасининг 698, 902, 903 сонли Қарорлари ва бошка давлат дастурлари ижросини таъминлаш, мукаммал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва "Жиззах ҲЭТК" АЖда бошқа ҳар қандай Автокран хизматларини бажариш. Бажарилган Автокран хизматларининг хар бир моточаси 300 000 (уч юз минг) сўмдан ошмаслиги керак ”.

Жами бошланғич сумма : 600 000 000 (1 моточас 300 000 сўмдан ортиқ бўймаслиги шарт) сўм.

- 1.1. Танлов охирги қиймати - 600 000 000 (1 моточас 300 000 сўмдан ортиқ бўймаслиги шарт) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.
Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқкан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 365 кун давомида.
- 1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 2.1. **ЖИЗЗАХ ҲЭТК АЖ** (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Жиззах шаҳар Навruz махалласи Богзор кучаси 60 уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов **ЖИЗЗАХ ҲЭТК АЖ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
 - Хизмат бажарувчи автокран Ўзбекистон Республикаси "Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси ҳамда унинг инспекциялари томонидан ўз вақтида йиллик синовдан ўтганлигини тасдиқловчи хужжат
 - Ваколатли ташкилотлар томонидан автокран ҳайдовчиси автокран бошқариш хукуқини берувчи ўқув курсини битирганлиги ҳақида гувоҳномаси мавжудлиги ва ушбу гувоҳнома "Саноат хавфсизлиги" давлат қўмитасидан рўйхатдан ўтганлиги
 - Хизмат кўрсатувчи автокраннинг тавсифловчи техник паспорти бўлиши шарт
 - Тегишли ваколатли ташкилотлар томонидан автокран лаборатория синовларидан ўтганлиги ва кран ишларини бажаришга муддатли рухсатномаси мавжудлиги. Шунингдек, ҳайдовчи ва автокраннинг барча ҳаражатлари бажарувчи томонидан қопланади.
 - Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала хукуқий лаёқат ва ваколатлар;
 - Танлов обьектига ўхшаш объектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
 - Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
 - Танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 %дан кам бўлмаган ҳолда).
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этиш рухсат берилмайди:
- Қайта ташкил этиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
 - Мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:
- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаигичлар кўрсатилган бўлиши керак
- Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни электрон тарзда etender.uzex.uz махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.
- 4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
- Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:
- 4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;
- 4.6. Тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларининг хаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.
- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукукига эга.
- ## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ
- 5.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.
- 5.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.
- ## 6. БОШҚА ШАРТЛАР
- 6.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда

кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартериш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган қўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиши тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.